

УНДАЛМАЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ - КОММУНИКАТИВ ТАБИАТИ

Ж. Сейтжанов¹

Аннотация:

Ушбу тадқиқотда қорақалпоқ, ўзбек ва инглиз тилларидаги ундалмалар ва мурожаат бирликларининг лингвомаданий ва прагматик хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинади. Ундалмаларнинг мулоқот жараёнидаги ўрни, уларнинг ижтимоий ва маданий омиллар билан боғлиқлиги, шунингдек, расмий ва норасмий вазиятларда ишлатилиш хусусиятлари ўрганилади. Тадқиқот натижалари турли тилларда ундалмаларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради.

Калит сўзлар: ундалмалар, мурожаат бирликлари, қиёсий таҳлил, лингвомаданият, прагматика, мулоқот, тил бирликлари, маданий таъсир, расмий ва норасмий мурожаатлар.

Ҳар қандай мулоқот жараёнида коммуникация иштирокчилари нутқини ифодалаш жараёнида турли тил воситаларини қўллайдилар. “Одатда, коммуникатив вазиятнинг уч асосий унсури мавжуд бўлади, яъни адресат, адресант, ахборот, канал. Асосий канал тилнинг ўзидир”[3.188.]. Ҳақиқатан ҳам қайд этилган “мазкур уч унсур нутқий коммуникациянинг асосий устунларидир, уларнинг бирортасисиз мулоқот жараёни воқе бўла олмайди”[2.159.]. Замонавий лингвистикада функционал-коммуникатив аспект матни коммуникация бирлиги сифатида ўрганилади.

Ундалмалар тилнинг муҳим қисмидир ва улар мурожаат қилувчи ва тингловчи ўртасидаги алоқани таъминлашда асосий рол ўйнайди. Улар турли тилларда турли шаклларда ва услубларда қўлланилади, бу эса ҳар бир тилнинг маданий, ижтимоий ва коммуникатив хусусиятларига боғлиқ. Қорақалпоқ, ўзбек ва инглиз тилларидаги ундалмаларни таҳлил қилиш уларнинг функционал ва услубий хусусиятларини тушунишга ёрдам беради. Қорақалпоқ, инглиз ва ўзбек тилларидаги ундалмаларнинг ўхшашлиги шундаки, уларнинг барчаси мурожаат қилиш, мулоқот бошлаш ва ҳурмат билдириш каби коммуникатив вазифаларни бажаради. Барча тилларда норасмий ва расмий мулоқотларда турли ундалмалар ишлатилади, ва уларнинг қўлланилиши мулоқотдаги вазиятга боғлиқ. Масалан, барча тилларда катталарга ёки юқори мақомли шахсларга нисбатан ҳурматни ифодалаш учун алоҳида ундалмалар қўлланилади.

Қорақалпоқ ва ўзбек тилларида маданий ва анъанавий қоидалар кўпроқ аҳамиятга эга бўлса, инглиз тилида мулоқотнинг расмий ёки норасмийлигига боғлиқ равишда ундалмаларнинг ишлатилиши кўпроқ учрайди. Масалан, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида «Ассалому алайкум» каби диний мазмунга эга ундалмалар ишлатилади, бу эса уларнинг маданий анъаналар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади.

Ундалмаларнинг коммуникатив-функционал хусусиятлари уларнинг воқеаланишини ижтимоий маданият ва анъаналар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қўлланилиши билан ҳам белгиланади. Қорақалпоқ, инглиз ва ўзбек тилларида ундалмаларнинг турли ижтимоий ва маданий қоидаларга кўра қўлланилиши уларнинг коммуникатив ролини тўлиқ очиб беришга ёрдам беради. Расмий мулоқотларда қорақалпоқ тилида Ҳурметли мырзалар ҳам ханымлар! “Ҳурметли...!” “Кадирли...!”; инглиз тилидаги «Sir», «Madam», ўзбек тилида “Хонимлар” ва “жаноблар”, «Ҳурматли», «Муҳтарам» каби мурожаатлар ишлатилади. Бу мурожаатлар мулоқот қилувчи шахснинг мақоми, ёши, жинси билан боғлиқдир. Масалан, расмий вазиятда қорақалпоқ тилида “апа”, “аға” “карындас”, “ата” , инглиз тилида «Sir» ёки «Madam», ўзбек тилида “ака”, “опа”, “синглим”, “болам”, ундалмалари коммуникантлар ўртасидаги ижтимоий масофани сақлаш вазифасини бажаради.

Бундай ундалмалар апеллятив ундалмалар деб аталади.

¹ Проф.Сейтжанов Жеткербай Елиубаевич, Қорақалпоқ давлат университети Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси доценти

Қорақалпоқ тилида бундай ундалмалар қорақалпоқ тилида апеллятив ундалмалар турли ижтимоий, касбий ёки ҳурматли мақомларни ифодалайди. Улар одамлар ўртасидаги ҳурмат ва ижтимоий муносабатларни белгилайди. Қуйида қорақалпоқ тилидаги апеллятив ундалмаларнинг баъзи турларига мисоллар келтирамыз:

Аға – катта ёшли эркакларга ёки ҳурматли кишиларга мурожаат қилиш учун ишлатилади.

Бай – ҳурматли ва обрўли кишиларга мурожаат қилишда ишлатилади;

Ханым – замонавий контекстда ҳурматли аёлларга мурожаат қилиш учун ишлатилади;

Молла – диний шахсларга, масалан, имомларга ёки диний устозларга мурожаат қилишда ишлатилади.

Шаҳар башы – шаҳар раҳбарига мурожаат қилиш.

Халимби – катта лавозимли, обрўли аёлларга мурожаат қилиш.

Батыр – жангчи ёки мард кишиларга мурожаат қилишда ишлатилади.

Бу мисоллар қорақалпоқ тилидаги апеллятив ундалмаларнинг хилма-хиллигини ва уларнинг ижтимоий муносабатларда муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Улар ҳурмат ва ижтимоий мақомни ифодалашда катта аҳамиятга эга. Таҳлиллар, инглиз тилида уларни турлари кўп бўлиб, одатда улар кишиларни ижтимоий мавқеи билан боғлиқ бўлиб, уларга ҳурмат ва ҳушмуомалалик маъносида қўлланилади. Қуйида инглиз тилида апеллятив ундалмаларга мисоллар келтирамыз:

Mr. (Mister) – формал вазиятда эркак кишига нисбатан қўлланилади;

Ms. – аёлларга уларни оилавий ахволига урғу бермасдан қўлланиладиган ундалма;

Mrs. – оилали аёлларга қўлланилувчи ундалмалар;

Professor – академик муҳитда профессорларга қўлланилувчи ундалма;

Sir – формал вазиятда эркакларга ҳурматни англатувчи;

Madam – формал вазиятда аёлларга нисбатан ҳурматни англатувчи;

Your Honor – судьяларга нисбатан қўлланилади;

Officer – полициячи ва ички ишлар ходимларига нисбатан қўлланилади;

Captain – капитанларга (ҳарбий соҳа вакилларига) нисбатан қўлланилади;

Your Majesty – қирол ва қироличаларга нисбатан қўлланилади;

Your Excellency – юқори лавозимларда фаолият юритувчиларга нисбатан қўлланилади.

Шу билан бирга, формал мулоқотда “Mr.”, “Mrs.”, “Sir” каби мурожаатлар ҳам кенг қўлланилишини айтиб ўтмоқчимиз. Булар мулоқотнинг расмий даражасига боғлиқ равишда ишлатилади. Масалан, «Sir, may I ask a question?» жумласини олиб қарасак, «Sir» ундалмаси мурожаат қилинаётган шахсга нисбатан ҳурматни билдириш учун ишлатилган. Бу ундалма расмий вазиятларда, масалан, расмий учрашувларида кенг қўлланилади.

Ўзбек тилида ҳар иккала тилга қараганда апеллятив ундалмалар ҳурмат ва тантаналиликни сақлаш, шунингдек, ижтимоий мақом ва лавозимни ифода этишда муҳим аҳамиятга эга. Масалан,

Жаноб Президент – президентга расмий мурожаат қилишда.

Мухтарам раис – йиғилиш ёки тадбирларда раҳбарга ёки раисга мурожаат қилишда.

Жаноб вазир – вазирларга расмий равишда мурожаат қилишда.

Ҳурматли (профессор, ўқитувчилар, касбдошлар ва ҳ.к.) – таълим муассасаларида мурожаат қилишда.

Жаноб директор – ташкилот ёки компания раҳбарига мурожаат қилишда.

Ҳурматли депутатлар – парламент ёки қонун чиқарувчи органлар аъзоларига мурожаат қилишда.

Жаноб судья – суд мажлисларида судьяларга мурожаат қилишда.

Ҳурматли ҳамкасблар – расмий йиғилиш ёки конференцияларда касбдошларга мурожаат қилиш.

Меҳрибон устоз – расмий мактубларда ёки маърузаларда ўқитувчи ва устозларга мурожаат қилиш.

Жаноб генерал – ҳарбий мулоқотларда генералларга мурожаат қилиш.

Хурматли соҳа мутахассислари – тадбирларда ёки расмий маърузаларда соҳа вакилларига мурожаат қилишда.

Мухтарам олимлар – илмий конференцияларда ёки форумларда олимларга мурожаат қилиш.

Кўриб турганимиздек, апеллятив ундалмалар расмий муносабатларда ишлатилади ва мурожаат қилаётган шахснинг ижтимоий мақомига, лавозимига ва ҳурматига урғу беради. Улар мулоқотдаги расмийлик даражасини белгилашда катта аҳамиятга эга.

Англашиладики, қорақалпоқ, инглиз ва ўзбек тилларидаги ундалмаларнинг функционал ва услубий хусусиятлари ҳар бир тилнинг маданий ва ижтимоий қоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Улар мулоқотда мурожаат қилиш, диққатни жалб қилиш ва ҳурматни билдириш вазифаларини бажаради. Ҳар бир тилда ундалмалар мулоқот вазиятига ва тингловчи шахснинг мақомига қараб турли услубларда қўлланилади.

Ундалманинг ишлатилиш доираси турли тилларда бир хил кўринади. У асосан диалог гапларда, автор нутқида, мурожаат, шиор, буйруқ, чакириқ ва эълонларда ишлатилади[1.17.]. Бундан ташқари ундан суҳандонлик нутқида, идоравий ва хусусий хатларда ҳам фойдаланилади[4.120.].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ундалмаларни коммуникатив-функционал хусусиятлари уларни воқеаланиш даражаси турли маданий, ижтимоий ва лингвистик омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Бу уларни динамик ҳодиса ҳамда мулоқот жараёнининг муҳим қисми сифатида, коммуникантлар ўртасидаги алоқани ўрнатиш, ҳурмат ва эътиборни ифода этишда асосий восита ҳисобланади. Қорақалпоқ, инглиз ва ўзбек тилларини ундалма шакллари таҳлил қилишдан кўриниб турибдики, бу тилда мурожаатлар лексик-стилистик жиҳатдан бой ва хилма-хилдир. Улар жамиятдаги анъаналар, урф-одатлар ва муносабатларнинг муҳим аксини ташкил этади. Ундов формалари орқали тил фақатгина мулоқот воситаси бўлиб қолмай, балки маънавий-ахлоқий меъёрларни ҳам тарғиб қилади. Нутқ маданиятининг қизиқиш доирасига кирувчи соҳалар – бу тил, ахлоқий (одоб-ахлоқ) қоидалари, вазият талаблари ва эстетик тасаввурларга риоя қилган ҳолда мулоқот мақсадига самарали эришишни таъминловчи нутқ сифатларидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. – Тошкент: ТДПУ, 2004 йил. – Б. 17.
- [2]. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Т.: Фан, 2008. – 159 б.
- [3]. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 188 б.
- [4]. Шведова Н.Ю. Русская грамматика. Ч. II. – М., 1988. – С. 120.